



ОКТАБРЬ

21


Ўзбек тили байрами кун

2023-yil
21-oktabr
shanba
№ 128
(4880)

Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lda birlashaylik!

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan



Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

ОНА ТИЛИМ

Мини йилларким булбул каломи
Ўзгармайди, яхлит ҳамиша.
Аmmo шўрлик тўтинини ҳоли
Ўзгаларга тақлид ҳамиша.

Она тилим, сен борсан, шаксиз,
Булбул куйин шеъра соламан.
Сен йўқолган кунини, шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан!

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсиясида куну тун фаолият кўрсатадиган қисқа рақамли

1211

«Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



Йилнинг энг яхши ЎЗБЕК ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ

Инсон учун Ватан, ота-она, оила қанчалик муқаддас бўлса, она тили ҳам шунчалик азиздир. Шу боисдан ҳам тил, миллат, Ватан тушунчалари доим ёнма-ён юради. Жамият тилсиз ривожланмайди. Тил – миллат руҳи, ор-номуси ҳисобланади.

Юртимизда давлат тилига бўлган эътибор ҳар қачонгидан-да кучайди. Она тилимизни улуғлаш, унинг бой ҳазинаси, таровати ва нафосатини ёш авлодга етказиш мақсадида юртимизда атоқли шоир ва адибларимиз номларидаги ижод мактаблари ташкил этилди. Мухаммад Ризо Огаҳий, Исҳоқхон Ибрат, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, Ҳалима Худойбердиева, Мухаммад Юсуф номидаги ижод мактабларида сабоқ олган ёшлар ўзбек тили ва адабиёти, бадий ижод сирларини чуқур ўрганишмоқда.

Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси ҳамкорлигида умумий ўрта таълим мактабларининг «Она тили» ва «Ўзбек тили» фанлари ўқитувчилари ўртасида ўтказиб келинаёт-

ган «Йилнинг энг яхши ўзбек тили ўқитувчиси» республика танлови ҳам ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Танлов ўқитувчиларнинг таълим сифатини оширишга қаратилган инновацион ёяларини қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, «Ҳар бир кун – бу имконият, ҳар бир кун – бу келажак учун пойдевор» шиори остида уч босқичда ташкил этилади.

Яқинда Тошкент шаҳридаги 110-умумтаълим мактабида мазкур танловнинг ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Давлат тилини ривожлантириш департаменти раҳбари Нодир Холбўтаев, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Шуҳрат Жалилов, вазирлик масъуллари, она тили ва адабиёти фанлари бўйича устозлар иштирок этишди.

Якуний натижаларга кўра, энг юқори балл тўплаган ўқитувчилар тақдирланди.

«Йилнинг энг яхши ўзбек тили ўқитувчиси» республика танловининг «Она тили» фани йўналиши бўйича 1-ўринни Наманган вилояти Косонсой туманидаги ихтисослаштирилган мактаб ўқитувчиси Гулрух Тошбоева, 2-ўринни Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманидаги 31-мактаб ўқитувчиси Севара Яхшибоева, 3-ўринни Хоразм вилояти Тупроққалъа туманидаги 8-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Се-

вара Матниязова эгаллади. «Ўзбек тили» фани йўналиши бўйича эса 1-ўринга Қорақалпоғистон Республикаси Қонликўл тумани 2-сонли умумий ўрта таълим мактаби ўзбек тили ўқитувчиси Нигора Алламбергенова, 2-ўринга Бухоро вилояти Ёғдўвон тумани 21-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Лайло Каримова, 3-ўринга Тошкент шаҳри Олмазор тумани ихтисослаштирилган мактаб ўқитувчиси Сумбулой Саидова муносиб деб топилди.

Совриндорлар Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси дипломи ва мукофотлари билан тақдирландилар. Шунингдек, икки нафар иштирокчи «Ижодкор устоз» ва «Изланувчан устоз» йўналишлари бўйича ғолиб деб топилди.

Танловнинг барча фаол иштирокчиларига Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг қимматбаҳо совғалари топширилди. Таъкидлаш жоизки, бу каби танловлар кўп миллатли ватанимизда ўзбек тилининг ўрни ва мақеини янада мустаҳкамлаш, таълим муассасаларида «Она тили» ва «Ўзбек тили» фани фанининг чуқур ўргатилишига замин яратди.

Жамил ЯРАТОВ,

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Қозоқбой
Йўлдошев,
профессор



Тил миллат тафаккури ва руҳиятининг даражасини аниқ акс эттирувчи барометрдир. Ҳар қандай миллат руҳияти ва тафаккурининг савияси ягона миллий тилнинг мавжудлиги ва жамият аҳлининг ундан қай йўсин фойдаланаётгани билан белгиланади. Агар тил ўз миллий қонуниятлари асосида ривожланаётган бўлса, миллий руҳият ва тафаккур ҳам соғлом ўсиш жараёнини кечираётган бўлади. Агар тилда унга ёт унсурлар кўпайиб кетса, миллий тафаккур ва руҳият ўз илдизидан узоқлашгани ойдинлашади.

Шахло АҲРОРОВА,
фалсафа фанлари
бўйича фалсафа
доктори(PhD)



Бизни бугунги ёруғ кунларгача етаклаб келган, ўтмишимизни, қадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримиз, аجدодларимиз меросларини асрлар силсиласидан олиб ўтган, онамиз овозида кулоғимизга аллалар куйган Она тилимизни қадрлашга ҳар биримиз бурчлимиз!

www.ishonch.uz



ishonch1991@yandex.uz



https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi



https://t.me/ishonchgz





Билимдонлар баҳси

«Хар бир кун – бу имконият, ҳар бир кун – бу келажак учун пойдевор» шиори остидаги «Йилнинг энг яхши ўзбек тили фан ўқитувчиси» танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи ўтказилди.

Унда туман (шаҳарлардаги умумий ўрта таълим мактабларида фаолият юритаётган она тили ва адабиёти, шунингдек, ўзбек тили (давлат тили) фанлари ўқитувчилари иштирок этди. Танлов якунига кўра, она тили ва адабиёти фани йўналиши бўйича 1-ўринни Нукус шаҳридаги 38-мактаб ўқитувчиси Дилбар Холмуродова, 2-ўринни Тўрткўл туманидаги 2-мактаб ўқитувчиси Муборак Шарипбоева, 3-ўринни Хўжайлидаги 3-мактаб ўқитувчиси Мадина Собурова эгаллаган бўлса, ўзбек тили (давлат тили) фани йўналиши бўйича 1-ўрин Қонлиқўл туманидаги 2-мактаб ўқитувчиси Нигора Алламбергенова, 2-ўрин ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тасарруфидоги Ке-

гейли ихтисослаштирилган мактаб ўқитувчиси Гулмира Исмаилова, 3-ўрин эса Чимбойдаги 36-мактаб ўқитувчиси Улбосин Хожамуратовга nasib этди. Танлов иштирокчилари Қорақалпоғистон Республикаси Мактаб ва мактабгача таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгаши томонидан фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Рустам АБДУРАҲМОНОВ, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қорақалпоғистон бўйича масъул ташкилотчиси

Эътироф

Тошкент шаҳри Маърифат

Маънавият кўзгуси

Транспорт вазирлигида ташкилотнинг бирлашган касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан «Ўзбек тили – миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда ўзбек театри ва кино санъатининг кўзга кўринган вакиллари, Ўзбек миллий академик драма театри ижодкорлари, элимиз суйган санъаткорлар ҳамда вазирлик ходимлари иштирок эттиди.

Ўзбек тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилноза Кубаева қизиқарли чиқиш қилди. У тилимизга эътиборни ошириш барчага боғлиқлигини таъкидлади. Иқтидорли ва сеvimли актёр Миролим Қиличев ёшлар орасида тилга эътиборни кучайтириш борасида таклифлар билдирди.

Тадбир давомида мумтоз адабиётимизнинг атоқли шоирлари ижодидан намуналар ўқилди. Учрашувда она тилимизнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, ёшларни ўз тилимизга муҳаббат руҳида тарбиялаш хусусида қатор фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Фикрат НОРХУҲАЕВ, Транспорт вазирлиги бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси



Бухоро вилояти Таълим фидойилари

БИЗ СИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ



Мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди. Уларнинг ўз она тилларида эмин-эркин сўзлашишлари билан бир қаторда, давлат тилини ҳам мукаммал ўрганишларида ўқитувчиларнинг ўрни беқиёс. Давлат тили, яъни ўзбек тилига нисбатан ҳурмат, уни қадрлаш ва эъзозлаш сингари туйғулар айнан ўқитувчилар сазй-ҳаракати билан болалар қалбига сингдирилади.

Лайло Каримова Ғиждувон туманидаги 21-русийзабон мактаб ўқувчиларига ўзбек тили фанидан сабоқ бериб келади.

Таълим соҳасида 6 йилдан бери фаолият юритаётган муаллима қисқа фурсатда қатор кўрик-танловларнинг фаол иштирокчиси, халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида мақолалар муаллифи айланди.

Лайло Каримованинг иш тажрибаси туман, вилоят, республикада оммалаштирилди. Унинг тавсиялари тумандаги кўп-ла таълим муассасаларида касбдошларига методик ёрдам сифатида қўл келмоқда. Педагог-

нинг ўзи туман миқёсида ташкил қилинган семинар ва тренингларда тренер сифатида креатив голяри, тавсиялари билан фаол иштирок этиб келмоқда. Ўқитувчининг бутун фахри – ўқувчиларида. Лайло Каримованинг ҳам фахрлинига арзийдиган кўп-ла ўқувчилари бугунги кунда устози берган илм туйғули турли танловлар, фан олимпиадаларининг туман, вилоят босқичлари ғолиблари бўлишмоқда. Унинг таълим соҳасига қўшаётган камтарона хизмати, ёш авлодни тарбиялаб, илми, маърифатли шахс қилиб, вояга етказишдек масъулиятли вазифани адо этишдаги саботи, давлатимиз томонидан муносиб рағбатлантирилди. У 2022 йилда «Халқ таълими авлочиси» кўнрақ нишони билан тақдирланди.

Яқинда Лайло Каримова яна бир муваффақиятни қўлга киритди. У Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилган «Йилнинг энг яхши ўзбек тили ўқитувчиси» кўрик-танловидан 2-ўринни эгаллади.

Ҳамкасбимиз эришяётган ютуқлар замирида касба бўлган меҳр, ўзига ишонч, дадил ҳаракат, ўқувчиларига нисбатан таллабчанлик каби фазилатлар муржасам. Биз ана шундай жонқуяр, меҳнатсевар ва фаол устоздан фахрланамиз.

Райҳон НОСИРОВА, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Тошкент вилояти Тадбир

«Оқтош»да тил байрами

Бўстонлиқ туманидаги «Оқтош» санаторийси қишин-ёзин дам олувчилар билан гавжум дам олиш масканларидан бири. Шу кунларда ҳам бу даргоҳда 150 нафардан зиёд юртдошларимиз саломатликларини мустақамламоқда. Яшил дарактзорлар бағрида жойлашган санаторий табиат манзараси билан ҳам бу ерга келганларнинг баҳри дилини очади.

Сиҳатгоҳда Ўзбек тили байрами муносабати билан ходимлар ва дам олувчилар учун маданий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг Санатор-курортлар бошқармаси масъул ходими Маҳмуд Мурзаева иштирок этиб, «Она тилим – ғурурим, фахрим!» мавзусида маъруза қилди. Тадбирда дам олувчилар ўзбек тилининг миллат ва жамият ҳаётида тугган ўрни ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Жумладан, Қашқадарь вилояти Қамаш туманидан келган фахрий педа-

гог Ботир Тўраев тилимизнинг нуфузини сақлаш, уни ёт ва аралаш сўзлардан асраш бўйича ўринли мулоҳазалар билдирган бўлса, марҳаматлик методист-ўқитувчи Лайло Сўфижонова Муҳаммад Юсуфнинг «Она тилим – жону дилим» шеърини ифодали ўқиб, даврага фойз киритди. Хушовоз хонадалар томонидан ижро этилган дилрабо куй ва қўшиқлар эса ийғилганларга хуш кайфият улашди.

Зебо НАМОЗОВА «ISHONCH»

Қадринг мудом баланд бўлсин!

Қибрай туманидаги «Ботаника» санаторийсида «Қадринг баланд бўлсин, она тилим!» деб номланган маданий-маърифий тадбир ўтказилди.



Тадбирда сўзга чиққанлар гузал ва жозибали тилимизга давлат тили мақоми берилиши тарихи ва унинг аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтишди. Мумтоз ва замонавий ўзбек адабиётининг энг сара намуналари хорижий тилларга таржима қилиниб, улар чет эллик китобхоналарнинг ҳам эътиборини

қозонаётгани, истеъодли олим ва ижодкорларимиз қаламига мансуб илмий ва бадиий асарлар нуфузли халқаро мукофотларга сазовор бўлаётгани фахр билан тилга олинди. Тадбирда таъкидланганидек, миллий ўзлигимиз ва ғуруримиз тимсоли бўлган она тилимизнинг сунмас зиёси онгу тафаккуримиз, қалбларимизни ҳаммаша ёритиб турсин!

Севара ЭШОНҚУЛОВА, «Ботаника» санаторийси ходимаси

Фикр

Мен тил ҳақида сўз битаётганда, онам ҳақида, отам ҳақида, Ватан ҳақида ёзаётгандай бўламан. Болалигим, ўзим, ғурурим ҳақида ёзаётгандай бўламан. Хўш, миллий тил нима ўзи? Бу жаҳон саҳнида миллатнинг яшамоғи унга қай даражада боғлиқ? Биз миллий қадриятлар, миллий ўзлик, уларни асраб-авайлаш ҳақида кўйиниб гапирагимиз. Аслида уларни аждодлардан авлодларга олиб ўтгувчи ҳам, уларнинг борлигини аён қилгувчи ҳам, мозийни келажакка етаклаб келгувчи ҳам тил эмасми?

Ғурури сўниқ миллатнинг келажаги бўлмайди

Айтишларича, дунёда тўққиз мингга яқин тил мавжуд бўлган экан. Бугунги манбаларда ҳозирда олти мингга яқин тил борлиги, айримлари 5600 атрофида экани айтилади. Бу қайларнинг турлича эканига ҳам сабаб бор: айтишларича бир ойда иккита тил муомаладан чиқиб кетмоқда экан. Умуман олганда, тиллар йўқолишининг бир неча сабаблари бор. Биринчиси – мустамакчилик. Бир босқинчи миллат иккинчисини маҳв этгач, миллий ёзуви, атамалари, миллий анъаналари кабиларни йўқ қилиш сингари турли усуллар билан қўл остидаги мамлакатга ўз тилини сингдириши. Иккинчиси, экологик миграция туйғайли бир халқнинг бошқа худудга кўчиб ўтиб, аста-секин борган жой тилида сўзлаша бошлаши оқибатида ўз тилини унутиши. Учинчиси, маълум бир тилда сўзлашувчи халқнинг заволи топиши, қирилиб кетиши. Тили бору, ёзуви бўлмаган халқларнинг тили ҳам йўқолишига маҳкум. Масалан, бугун турли тилда сўзлашадиган Африка халқларининг саксон фоизи ўз ёзувида эга эмас.

Тил сақлаб қолиши учун унда камида бир миллион одам сўзлашиши керак. Мана шундай даражадаги тиллар бугун олти мингга тилининг орасида 250 тани ташкил этаркан. Шу 250 талик орасида бизнинг тилимиз ҳам бор. Олти минг тилдан фақат 200 тасига давлат тили мақоми берилган бўлиб, улар орасида ҳам бизнинг тил бор!

Яна бир маълумотни ўқиб қолдим. Россиялик М.Козлянина деган лингвист олима тилимизни ўргана туриб, унинг жууда нафис, мусиқа оҳангидек жозибали эканини эътироф этибди. Бу эътирофдан хурсанд бўласиз, албатта!

Дарвоқе, тилиннг бойлиги хусусида Абдулла Қодирий ўз замонида «Ўзбек тили камбағал эмас, уни камбағал дегувчиларнинг ўзи камбағал. Улар ўз нодонликларини тилимизга тўнкамасинлар», деган эди.

Дарҳақиқат, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгач, беш жилдан иборат «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» тузилди, унга саксон мингдан ортиқ сўз жамланди. Олимлар буюк ёзувчи ва шоирларнинг сўз бойлигини сарҳисоб қилишган. Натижада, Пушкин 21197 та сўз қўллагани, Шекспирда бу рақам 20 мингга яқинлашгани маълум бўлган. Навоийнинг сўз бойлиги эса 26 мингдан ортиқ...

Бизнинг тилда ҳар қандай воқеликни мукаммал ифода этиш, ҳар қандай бадиий асарни сайқалантириш мумкин. Масалан, рус тилида «уй» маъносини англлатувчи «стыд» сўзи бор. Тўғри, «позор» сўзини ҳам бу ерда эътироф этиш мумкин, аммо у кўпроқ «шарманда» маъносини англатади. Мана шу «уй» сўзининг ўзбек тилида маънодошлари кўп: «ор», «номус», «ҳаё», «ибор», «шарм», «изза», «уялиш», «қимтиниш», «тортиниш» ва ҳоказо. Бир қарашда улар си-

нонимларга ўхшайди, аммо уларнинг ҳар бири уялмоқнинг қайсидир даражасини ифодалайди. Фикримизни ифодалашда қаердадир «тортиниш» сўзи мос тушса, қаердадир «қимтиниш» сўзи «ейди». Кўрдингизми, мана шу ерда ҳам «мос тушди» сўзи ўрнида «ейди» сўзи «еди»! Мен бу билан бошқа тилларни камситмоқчи эмасман. Бунга ҳақим ҳам йўқ. Шунчаки, ўзбек тили – она тилим, уни онамдай яхши кўраман.

Энди яқиндагина бўлган ҳолатни эсланг: инглиз тилини билишни исботлайдиган «қоғози» бўлмагани учун кўпгина билимли ёшлар магистратурага ҳужжат топшира олишмади. Натижада ажратилган етти мингга ўрин бўш қолиб кетди. Мантиқан олганда, шу тўғрими? Ҳатто, собиқ иттифоқ даврида ҳам «рус тилини билмасанг, ўқишга киролмайсан», дейишмаган.

Нега қайсидир соҳанинг яхши мутахассиси, билимдони хорижий тилни билмагани учун ўқишни давом эттира олмаслиги керак? Нима, инглиз тили иккинчи давлат тили қилиб белгилангани? Мен болалигимизнинг тил ўрганишга ҳечам қарши эмасман. Майли, ўнлаб тилни ўрганишинг. Бундан фақат қувонамиз. Лекин «хорижий тилни билмасанг, ўз юртингда, ўз она тилингда сабоқ бериладиган ўқув юртига кира олмайсан», дейиш тилимизга беҳурматлик эмасми?

Яқинда чет элга ўқишга кетаётган ёшларни сўхбатдан ўтказдик. Улар инглиз, француз, рус тилини сувдай ичиб юборишган. Аммо айримлари «ўзбек тилига қачон давлат тили мақоми берилган», деган саволга «ўзбекчада қўйналаман, майлими, русча ё инглизча жавоб берсам», дейишди. Шунда уларнинг миллатини сўрадим. Соф ўзбек. Рус мактабда ўқишган, инглиз тили курсига қатнашган. Бу тилларни билишдан фахрланмади. Лекин ўзбек тилини яхши билмасликларидан заррача ҳам уят ҳиссини сезмадим.

Президентимизнинг Фармонига асосан, Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил қилинди. Менимча, Департамент олдида амалга оширилмаган вазифалар талайгина. Масалан, давлат тилига нисбатан ҳурматсизлик мезонларини ишлаб чиқиши керак.

Аслида, она тилига нисбатан эътиборсизлик, ҳурматсизлик – миллий ғурури етишмаслигининг белгиси. Миллий ғурури сўниқ миллатнинг эса келажаги бўлмайди.

Бизни бугунги ёруғ кунларга етаклаб келган, ўтмишимизни, қадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримиз, аждодларимиз меросларини асрлар силсиласидан олиб ўтган, онамиз овозида қўлоғимизга аллалар қўйган Она тилимизни қадрлашга ҳар биримиз бурчлимиз!

Шахло АХРОРОВА, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)

Тадбиркорлар, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари Тошкент шаҳар бирлашган касаба уюшма қўмитаси Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясида сўзлаган нутқининг мазмун-моҳияти ва ундан келиб чиқадиган асосий вазифаларга бағишланган тарғибот тадбири ўтказди.



Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари ва фаоллари қатнашган тадбирда иқтисодийёт фанлари доктори, профессор Самариддин Элмирзаев жаҳондаги

глобал воқеалар ҳамда мамлакатимиз раҳбарининг нутқидан келиб чиқадиган хулосаларга атрофлича тўхталиди. Маълумки, Президентимиз БМТ Бош

Ассамблеясининг навбатдаги сессиясида жаҳонда, чунончи, Марказий Осиёда тинчлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш учун дўстлик ва амалий ҳамкорлик руҳини

сақлаш, умумий манфаатларни мавжуд зиддиятлардан юқори қўйган ҳолда мамлакатларни жипслаштириш зарурлигини қайд этди. Хусусан, Ўзбекистонда БМТ ша-

фелигида ижтимоий ғимояни кучайтириш борасида бутунжаҳон конференциясини ўтказиш, шунингдек, «Исло – тинчлик ва эзгулик дини» халқаро конференциясини ташкил қилиш, Марказий Осиё ёшларини эзгулик йўлида бирлаштириш ва Осиё хотин-қизлари форумини ташкил этиш каби халқаро аҳамиятга молик ташаббусларни илгари сурди.

Тадбиркорлар, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари Тошкент шаҳар бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Дилфуза Исмаилова тадбир давомида таъкидлаганидек, давлатимиз раҳбарининг ушбу нутқида кўтарилган масалалар барчамизнинг келгуси режаларимизни амалга оширишда муҳим дастуриламалдир. Унда белгиланган устувор вазифалар ижросида фаол иштирок этиш эса, биз учун катта шараф ва масъулиятдир.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА «ISHONCH»



Самарқанд вилояти

Учрашувлар

«Саводни баъзан сиздан ўрганамиз»

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти вакилларининг Самарқандда газетхонлар билан бўлиб ўтган мулоқотида шундай фикрлар бот-бот билдирилди



Муштарийлар таклифи, тахририят ташаббуси билан дилдан мулоқот шаклидаги ижодий учрашув фикр ва мулоҳазаларга бой тарзда ўтди. «Ishonch» va «Ishonch-Доверие» газеталари бош муҳаррири Хусан Эрматов ижодий фаолиятда газетхонлар мулоҳазаси ҳар доим муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Қайд этилганидек, газеталар ўз ўқувчиларига янада яқинлашиш ҳаракатидан бир зум ҳам тўхтагани йўқ. Хусусан, шу мақсадда Самарқанд ва қўшни вилоятларга газетани етказиб беришни тубдан такомиллаштириш чоралари кўрилди. Мана қарийб бир йилдири «Ishonch» va «Ishonch-Доверие» газеталарининг 16 минг нусхаси Самарқанд шаҳридаги «Меҳр ме-



Сурхондарё вилояти

Инсонларда ишончли ахборот эҳтиёжи узлуксиз давом этади. Айнан оммавий ахборот воситалари ичида ҳар томонлама текширилган ва тасдиқланган материаллар чоп этилиши билан кундалик газеталар қадрини оширади.

Тилимизнинг ҳақиқий жонқуярлари сафида



дураҳмонов бугунги ахборот макони кенг, информация асрида ҳар бир оммавий ахборот воситасининг ўрни борлигини, аммо кундалик газеталар ўрнини босадиган, ишончли манбаларга суяниб хабар узатадиган воситалар камлигини таъкидлади. Шу билан бирга газетанинг чинакам халқ минбарига айланиши, ўз номига яраша халқ ишончини қозониши учун нашрнинг ҳар бир сониди долзарб муаммолар кўтарилаётгани, турли танқидий, таҳлилий ва долзарб мақолаларга кенг ўрин берилётганини тўғрисида сўз юритишди. Учрашувда муштарийлар газетани севиб мутолаа қилишларини таъкидлаб, унинг янада мазмунли ва оммабоп чоп этилиши борасидаги ўз фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифларини билдиришди. «Ishonch» газетасида ишчи-ҳодимларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланаётгани ҳақида кўплаб материаллар бериб борилмоқда, – деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори Зариф Холов. – Аммо шу билан бирга ҳодимларнинг меҳнат таътили, бошланғич ташкилотларнинг асл фаолияти нималардан иборатлиги, уларнинг шунчаки тузилмагани акс эттирилган мақолалар янада кўпроқ чоп этилса, яхши бўларди. – Касаба уюшмалари тизимида узоқ йил-



дия» корхонаси босмахонасида чоп этилмоқда. Бу эса ушбу вилоят, балки бошқа ҳудудларга ҳам нашрнинг тезкор етиб боришини таъминламоқда. Умуман олганда, тахририят фаолиятини ривожлантириш, газетхонларга янада яқинлашиш, нашрнинг мазмун-мундарижасини, савиясини ошириш борасида доимий илзанишда. Бунда газетхонларнинг фикр ва мулоҳазалари эса муҳим ўрин тутди. Бу



лардан буён ишлайман. Соҳамиз нашри бўлган «Ishonch»ни доимий мутолаа қилиб бораман, – деди Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳодимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилояти бирлашган қўмитаси раиси Хамид Қўзимуродов. – Жамоамиз ҳам, оиламиз ҳам ушбу газетага обун бўлишган. Агар у ёки бу сони олиб келинмаса, фарзандларим, келинларим менга айнан ўша сони йўқлигини айтишади. Айтмоқчи бўлганим шунки, «Ishonch» нафақат касаба уюшмалари фаоллари, аъзолари, балки барчанинг сеvimли нашри. – Мамлакатимизда ички ва ташқи туризм ривожига катта эътибор қаратилаётган айна пайтда газетада воҳамиздаги ўзига хос синаотга эга тарихий мажмуалар тўғрисида мақолалар бериб борилса, мақсадга мувофиқ бўларди, – дея ўз таклифини билдирди «Термиз минтақавий темир йўл узели» унитар корхонаси ходими Камолддин Каримов.

– Энг сеvimли газеталаримдан бири – «Ishonch», – деди Термиз шаҳридаги 2-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Назира Бахшиқуллова. – Менга яна бир Ҳижат газетада мақолаларнинг савияси, мазмундорлиги билан бирга, савод ва матнга алоҳида эътибор қаратилиши манзур. Шу маънода, бугун матбуот – саводимиз манбаи ҳам бўлиб қолаётганини эътироф этишни истардим. Шу маънода, «Ishonch»ни тилимизнинг ҳақиқий жонқуярлари сафида кўраман. Тахририят жамоасининг «Газетамизнинг янада ўқишли чққиши учун қандай таклифларингиз бор, худудингиздаги қайси муаммога эътибор қаратайлик?» дея муштарийлар билан учрашувлар ўтказишининг ўзи халқ фикрига таяниб, уларнинг дарди билан меҳнат ва ижод қилинаётганидан далолатдир. Турли таклифларни эшитиш асносида учрашув доирасида тахририят ҳодимлари иштирокчилар томонидан берилган саволларига жавоблар беришди.

Чори ЖУМАҚУЛОВ
«ISHONCH»



галги учрашув ҳам шу мақсадда ташкил этилган. – Янгиликни етказишнинг турли шакллари мавжуд, – деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши раиси Суҳроб Рафиқов. – Кўпчиликнинг наздида газеталар ахборот етказишда «оқсаб» қолаётгандек. Балки, бу бир қарашда тўғридир. Аммо ҳамма гап ахборотни етказиб беришдаги ёндашувга боғлиқ. «Ishonch»да эса ахборотни газетхонга тақдим этишнинг ўзига хос услуби бор. Яна шунини алоҳида таъкидлашни истар эдимки, «Ishonch»да таҳлил бор, тахрир бор, энг муҳими, савод бор. Баъзан саводни газетадан ўрганамиз. Бу ҳам бор гап. – «Ishonch» қўлдан туширмай ўқиладиган газета, – деди учрашувда сўз олган Олий Мажлис Сенати аъзоси, «Зарафшон» ва «Самарқандский вестник» газеталари бирлашган тахририяти бош муҳаррири Фармон Тошев. – Тахририят билан ижодий ҳамкорлик қилиб келамиз. Газетанинг ўз муштарийлари сари интилиши олқишга сазовор воқелик.

Самарқанд давлат университети касаба уюшма қўмитаси раиси Шавкат Маҳматмуродов олий таълим муассасасида «Ishonch» бурчаги ташкил этилгани, бу ерда газетанинг янги сони жойлаштирилиши ва севиб ўқилаётганини қайд этди. Эътиборли томони, 38 мингдан зиёд ёшларни ўз бағрига олган университетнинг кўплаб талабалари ҳам «Ishonch» мухлислари ҳисобланар экан. – Газеталарни мудом севиб мутолаа қиламиз, – деди Самарқанд давлат тиббиёт институти профессори, меҳнат фахрийси Яхшинон Аллаёров. – Олийгоҳ педагог ҳодимларидан тортиб талабаларгача бу нашрларда чиқаётган мақолаларни қизиқиш билан кузатиб боради. Нашрлардаги ўзига хослик, услубий ёндашув бугунги кун талаблари даражасида, дея баралла айта оламиз. Аммо бугун ноширларга ҳам тахририятлар ижодий жамоаларига ҳеч бир эътирозимиз йўқ. Аммо рўйирист айтиш керак, етказиб беришда муаммолар йўқ эмас. Бугунги тадбирда шу масалани ўртага ташладик. Уйлаймизки, бу муаммоларга ҳам барҳам берилади.

– Юқорида ижодий ёндашув ҳақида гап бўлди. Мен ҳам газетада кузатган ва манзур келган айрим мақолаларга тўхталиб ўтишни лозим топдим, – деди Соғлиқни сақлаш ҳодимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилояти кенгаши раиси Маъруф Бобоёров. – Кўпчиликнинг хабари бор, бутун тармоқларда шаҳардаги 10-сонли оилавий шифохонада ҳодимлар жисмоний тарбия қилишга мажбурланаётгани бутун мамлакатда шов-шувга айланди. Ваҳоланки, ҳодимларни «мажбурланган» бош шифокор ўша кун бошқа жойда бўлган. Маъмурият ОШП бош врачлари ва катта ҳамширанинг «паттасини» қўлига тутқизмоқчи ҳам бўлади. Буйруқ ҳам тайёр бўлади. Мана шу жараёнда ҳодимлар тақдирига бефарқ бўлмаган касаба уюшмалари ва «Ishonch» газетаси воқеликка ҳолис муносабат билан чиқди. Аслини олганда касаба уюшмаларида таъмилга кирган «ҳодимлар гимнастикаси» кимларгадир зуғум бўлиб кўринган. Бу тахлитда ёритилган ўнлаб таҳлилий мақолаларни мисол тариқасида келтиришим мумкин. Айтмоқчи бўлганим, «Ishonch» нафақат воқеа ва ҳодисаларга креатив ёндашуви, балки жараёнга реал қарши билан ўқувчиларнинг сеvimли нашрига айланади бормоқда.

Учрашувда Таълим ва фан ҳодимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Ифтихор Раҳимов, маданият, спорт ва туризм ҳодимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Жўшун Очилов ва бошқалар бугунги кун газетхонлиги хусусида ўз мулоҳазаларини билдирди.

Умуман олганда, газетхонларнинг фикри шундай: «Ishonch» – ишончли газета. Муҳими, нашр ўз ўқувчилари ишончини қозонмоқда. Уйлаймизки, мазкур учрашувлар бу ишончни янада мустаҳкамлайди.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Эълонлар

Янгиўл туманидаги «MUMTOZ SERVIS YANGIYUL TUMANI» масъулияти чекланган жамиятининг думалоқ муҳри йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2021 йил 21 апрелда Ташкилий ишлар ва назорат бошқармаси Бош инспектори Бозоров Хусан Аҳмад ўғлига берилган 3221-сонли хизмат гувоҳномаси (амал қилиш мuddати: 2024 йил 15 апрелгача) йўқолгани сабабли бекор қилинади.



ISSN 2030-5002
2007-йил 11-январда
O'zbekiston
Matbuot va axborot
agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» газеталари тахрир hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(ta'hir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OIYIBAZAROVA,
Anvar QULMURODOV

(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV
(Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK
(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti –
(71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot –
(71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport –
(71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash –
(71) 256-85-43
Marketing va obuna –
(71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlari:

Qoraqalpog'iston Respublikasi –
(+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati –
(+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati –
(+998-99) 889-90-31
Jizzax viloyati –
(+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati –
(+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati –
(+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati –
(+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati –
(+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati –
(+998-99) 379-19-70
Toshkent viloyati –
(+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati –
(+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati –
(+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati –
(+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Muallif fikr ta'hiriyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
Z. Rixsiyev

Musahhilari:
D. Xudoyberganova,
D. Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 22:50
Topshirishi – 23:20

Bahosi kelishilgan narxda

Manziliimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami:
2021 0000 0004 3052 7001,
ATIB «poteka bank»
Yashnobod filiali,
bank kodi: 00959,
STIR: 201133889,
OKID: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G-1013
Nashr ko'rsatkichi: 133
1 2 3 4 5 6

Umumiy adadi 30344

14013 nuxsasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmasida chop etildi.

Korxonamanzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.